

Хурматли
муштарийлар!

“Улуғ йўл” газетасига
обуна давом этмоқда.

ТАЖРИБАЛИ ЭНЕРГЕТИК

АНГРЕН ИССИҚЛИК ЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИ АЙНИ КУНЛАРДА БИР МАРОМДА ИШЛАБ, ҲУДУД
АҲОЛИСИНИ ИССИҚЛИК ВА ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ БИЛАН ТЎЛА ҚОНДИРИБ КЕЛМОҚДА.



Аҳоли жорий қиш мавсумида етарли даражада иссиқлик узатилаётганидан айниқса мамнун. Бунда станциянинг тажрибали юзлаб энергетикларининг хизмати бекиёсдир. Бахтиёр Нурматов ана шундай шарафли касб эгаларидан бири.

Қаҳрамонимиз салкам қирқ йилдан буён станцияда фаолият

кўрсатиб келади. Дастлаб қозон цехи машинист назоратчиси бўлиб иш бошлаган Б.Нурматов 1995 йилда 2- қозон турбина цехининг қозонхона жиҳозлари машинисти лавозимига ўтказилган эди. У ҳозирги кунга қадар ушбу лавозимда сидқидилдан ишлаб, истеъмолчиларни иссиқлик ва электр энергияси билан таъминлашга му-

носиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Давлатимиз томонидан “Содиқ хизматлари учун” медали билан тақдирланган.


Бахтиёр акага келгуси ишларида омад ва муваффақиятлар тилаб қоламиз.

Маълумот учун, станцияда иссиқлик ва электр энергияси ишлаб чиқаришда 2016 йили замонавий технологиялар асосида қуриб ишга туширилган янги энергоблокнинг ҳиссаси катта. Ушбу янги блок юқори энергиясамарадор бўлиб, маҳаллий кўмир ҳисобига ишлайди. Аммо атроф-муҳитга айтарли зарари йўқ. Станцияда ҳар бирининг қуввати 300 мегаваттдан бўлган яна 2 та, кўмир ёқилғисига ишлайдиган янги энергоблок қурилиши режалаштирилган бўлиб, улар 2024-2025 йилларда ишга туширилади.

“Ангрен ИЭС” АЖ
матбуот хизмати.



Ўзбекистон аҳолисининг
ҳудудлар кесимида тақсимоти
1 январь ҳолатига (млн киши)



**ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИ 1 ЯНВАРЬ
ҲОЛАТИГА КЎРА 36,8 МИЛЛИОН
КИШИНИ ТАШКИЛ ЭТДИ**

**2024 йил 1 январь ҳолатига кўра,
Ўзбекистоннинг демографик
кўрсаткичлари эълон қилинди.**

Унга кўра, доимий аҳоли сони 36,8 миллион кишини ташкил этди. Уларнинг 18,3 миллиони аёллар, 18,5 миллион нафари эса эркаклардан иборат. Шунингдек, 2023 йилда Ўзбекистондан кўчиб кетган аҳоли сони 223 200 нафарни ташкил этган. Шундан 14 051 нафари хорижий давлатлар бўйича Қозоғистонга тўғри келган. Кейинги ўринларда Россия ҳамда Жанубий Корея.

Ўзбекистонда қайд этилган никоҳлар сони 283 808 та, никоҳдан ажралишлар сони эса 49 198 тадан иборат, дейилади Статистика агентлиги маълумотида (ЎЗА).

Собиқ мустабид тузум жабрини кўрганлар юрт мустақиллиги қанчалик улуғ ва бебаҳо неъмат эканлигини ўзгача ҳис этади. 1991 йилда собиқ СССР қулаётган пайтлари бугунгидек кўз олдимизда турибди. Унга бутун иттифок бўйича ҳеч ким ачинмаган эди! Билъакс, ўзини окламаган тузум ҳақида юксак минбарлардан айтилаётган ҳар бир танқидий гаплар гулдўрос давомли қарсақлар билан олқишланиб тургани ҳеч қачон ёдимиздан чиқмаса керак.

АДОВАТ УРУҒЛАРИ ҚАЧОНГАЧА?

Тарих саҳнасидан СССР деган ном ўчирилганига 33 йил бўлаяпти. Шу ўтган давр мобайнида Ўзбекистон ва бир неча мустақил давлатлар ростмана тараққиётга эришаётгани айни ҳақиқатдир!

1990-1991 йиллардаги таҳликали замонлар билан бугунги дорилонм давримизни мутлақо солиштириб бўлмайди. Ўша замондаги Ўзбекистон ва бугунги янги Ўзбекистон манзаралари орасидаги фарқлар осмон билан ерча, эҳтимолки, ундан ҳам каттарок. Биз бу бахтли-бахтиёр ҳаётимизни ҳеч нарсага алмаштирмаймиз!

Бир қитъа, бир маконда жойлашиб, умргузаронлик қилаётган Россия ва бошқа қардош республикалар билан аҳил дўст бўлиб яшаш ҳаёт тақозоси эканлигини ҳеч ким инкор эта олмайди. Фақат, давлатлараро дўстлик,

Фикрга қарши фикр

ҳамкорлик деганлари – тенг ҳуқуқларга асосланган бўлмоғи лозим.

Шундай бир паллада кимлардир империя талвасасига тушгани ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Россиянинг НТВ каналида намойиш этилган бир “токшоу”да россиялик “тарихчи” Михаил Смолин 1917 йилга қадар ўзбеклар, қозоқлар ва озарбайжонлар миллат сифатида мавжуд бўлмаган, инқилобдан кейингина улар СССР номи билан пайдо бўлган, деган мазмунда сафсата сотгани кўпчиликини жунбушга келтираётгани бежиз эмас...

Жаҳон тарихида энг ёрқин саҳифалари ила оламини мафтун этаётган қадим Турон давлати ҳақида Михаил Смолин наҳот ҳеч нарса билмаса?! Ўзбек миллий давлатчилиги уч

ярим минг йиллик тарихга эга эканлигини билмаган одам тарих илмидан йироқлигини кўрсатмайдими?

Ваҳоланки, қадимдан Мовароуннаҳр, Турон, Туркистон номи билан донг таратган давлатимиз, қарийб уч минг йиллик тарихга эга бўлган Самарқанд, Бухоро, Хи-

ва каби ўнлаб кўҳна шаҳарларимиз, Замаҳшарий, ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Наср Фаробий, Имом Бухорий, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби кўплаб улуғ сиймолар билан бутун жаҳон аҳли фахрланадилар-ку!

Наҳот бу фахр туйғусидан жаноб Михаил Смолин ва у каби “сиёсатдон” кимсалар бебаҳра бўлса?! Уларнинг бундай мафкуравий таҳдидлари том маънода “ахборот хуружи”дан бошқа нарса эмас.

Қизиқ, биз уларнинг пишагини пишт деяётганимиз йўқ-ку. Нега энди шунақа кимсалар бизга таҳдид қилишади? Нечун энди ўйламай-нетмай икки давлат дўстлик ришта-

ларига завол етказишдан истиҳола қилмайдилар?

Икки давлат, икки халқ ўртасига сочилаётган бундай адоват уруғлари келажакка завол етказмайдими? Онги эндигина шаклланаётган ёшларга бу заҳар-заққум гаплар қандоқ таъсир қилишини наҳотки ўйлашмаса?! Ҳа, бу том маънода – келажакка отилган тош!

Оптимизда қолаётган ёшлар қалбида бир-бирларига нисбатан дўстлик, биродарлик, қадрдон-қардошлик ришталарини мустаҳкам боғлаш ўрнига улар ўртасига ҳам адоват уруғини сочиб кетиш инсонийлик мезонларига тўғри келармикин?

Наҳот, умри поёнига ета бошлаган, жайдарчасига айтганда – тўридан гўри яқин ҳисобланган кекса ва катта авлодга мансуб баъзи замондошлар ўз фарзандлари, неvara-чеваралари, миллат ёшлари тақдирини ўйламаса?!

Донишманд боболаримизнинг, “оғзингдан чиқаётган ҳар бир сўзинг яхшилиққа, эзгуликка хизмат қилсин”, деган мазмундаги ҳикматиға амал қилиш ҳам фарз, ҳам қарз эканлигини Михаил Смолинга ўхшаганлар наҳот билмаса ёки идрок этмаса?!

Тўлқин ЭШБЕК,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюмиси аъзоси,
Маънавият фидойиси, “Улуғ йўл”
газетаси таҳрир хайъати аъзоси
2024 йил 24 январь

Халқ қабулхоналари: йил сарҳисоби

ФАОЛИЯТИМИЗНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНИ – ФУҚАРОНИ РОЗИ ҚИЛИШ

Юртимизда Халқ қабулхоналари ташкил этилганлиги ва уларнинг ҳолислик тамойиллари асосида фаолият олиб бораётгани мансабдор шахслар масъулиятини оширишда муҳим ўрин тутмоқда.

Амалга оширилаётган барча эзгу тадбирлар, бугунги кунда инсон қадрлари Ўзбекистонда давлат раҳбари ташаббуси остида нақадар юксак эътиборга олинганлигининг яққол ифодасидир. Бу борада Халқ қабулхоналари йўналишида жойлардаги одамларни қийнаётган муаммоларни тизимли аниқлаш, уларга ечим топиш мақсадида ягона электрон ахборот тизимининг жорий этилиши, мурожаатлар билан ишлашда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан, кенг фойдаланиш, хонадонма-хонадон юришнинг йўлга қўйилиши ўз самарасини бермоқда. Мурожаатлар билан ишлашда асосий мезонлардан бири фуқарони рози қилиш эканлиги барчамизга алоҳида масъулият юклайди.

Яқинда йил якунлари бўйича ўтказилган йиғилишда Тошкент вилояти Халқ қабулхонаси мудир Э.Қудратов томонидан ҳар бир шаҳар-туман Халқ қабулхоналарининг фаолияти танқидий руҳда чуқур таҳлил қилинди. Бунда фуқаролар мурожаатларига эътиборсиз бўлиб, лоқайдликка йўл қўяётган соҳа масъулларига нисбатан қонун доирасида кескин чоралар кўрилиши ҳақида аниқ топшириқлар берилди.

Юқоридаги топшириқлар ижросини таъминлаш борасида Ангрен шаҳар Халқ қабулхонаси томонидан шаҳар прокуратураси ва адлия бўлими билан яқиндан ҳамкорликда ишлар олиб борилди. 2023 йил давомида фуқаролар мурожаатларига бефарқ бўлганлиги учун 14 нафар мутасадди раҳбарга нисбатан қонунда белгиланган тартибда тақдимномалар киритилди.



Ушбу тақдимномалар асосида 9та масъулларга нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари белгиланди, қолган 5 та раҳбар интизомий жазога тортилди. Халқ депутатлари шаҳар Кенгашига фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш йўналишида 11та ахборот киритилди. Депутатлар иштирокида масалалар таҳлилий-танқидий муҳокама қилинди.

Йиғилиш давомида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрида қабул қилинган "Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўлин сифатида ишлашни таъминлашга қаратилган чоратадбирлар тўғрисида" тўғрисидаги Фармони ва "Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси фаолиятини йўлга қўйиш ва маҳаллаларда

бошқарув тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорининг жойлардаги ижросини таъминлашда Халқ қабулхоналарининг ўрни, сектор ва маҳалла еттилиги билан ҳамкорликда амалга оширилиши юзасидан манзилли, мақсадли йўналишлар ва топшириқлар белгиланди.

Шу билан бирга Тошкент вилояти Халқ қабулхонаси раҳбари Э.Қудратов томонидан бугунги кунда ҳар бир масъул раҳбарнинг халқ розилиги йўлида ватанпарвар бўлиши, фидойиларча меҳнат қилиши садоқат, бурч эканлиги яна бир карра кўрсатиб ўтилди.

Насиба ҒАФУРОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Президентининг Ангрен шаҳридаги
Халқ қабулхонаси мудир

ТАҲЛИЛ НИМАЛАРНИ КЎРСАТДИ?

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қибрай туманидаги Халқ қабулхонаси томонидан туманда 2023 йил 4-чораги давомида аҳоли мурожаатлари билан ишлаш аҳволи таҳлил қилинди.

Туман аҳолисида виртуал ва Халқ қабулхоналарига 2022 йилнинг 4-чораги давомида 9 минг 22 та, 2023 йилнинг 4-чорагида 8 минг 628 та мурожаатлар келиб тушган, ёки мурожаатлар ўтган йилга нисбатан 394 тага (4,6 фоиз) камайган. Шунингдек, сектор сайёр қабулларида 1 минг 509 мурожаат келиб тушган. Бу жами мурожаатларнинг 14,9 фоизига тенг бўлди.

Хусусан, Қибрай туман фуқароларидан жамоат транспорти йўналишларини ташкил этиш масаласида 2022 йилнинг 4-чорагида 41 та мурожаат келиб тушган бўлса, 2023 йилда бу кўрсаткич 119 тани ташкил этган бўлиб, мурожаатлар 78 тага ёки 190,2 фоизга ошган, ичимлик суви истеъмоли учун тўловлар, қарздорлик ва қайта ҳисоблаш 67 тага ёки 63,4 фоизга, ичимлик суви тармоғидаги авария ва узилишлар 39 тага ёки 33,3 фоизга, тадбиркорлик субъектлари томонидан иш ҳақи берилмаётганлиги 64 тага ёки 304,8 фоизга, мол-мулк ва пул маблағларини (қарзни) қайтармаслик 62 тага ёки 155 фоизга, қарз ундириш ижро ҳужжатлари бўйича 23 тага ёки 16,3 фоизга, ЙХХ қоидаларини бузганлик учун тузилган маъмурий баённома ва қўлланилган жаримадан норозилик 48 тага ёки 123,1 фоизга, соғлиқни сақлаш соҳаси ходими

хатти-ҳаракатлари юзасидан 24 тага ёки 20,9 фоизга, ипотека кредити бадали/фоизларини қоплаш учун субсидия ажратиш масаласида 23 тага ёки, 25 фоизга, ер майдонини (участкасини) ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш ва қонунга зид фойдаланиш 15 тага ёки 18,3 фоизга ошган.

Мурожаатлар МФЙлар кесимида таҳлил қилинганида, Дўрмон МФЙда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан мурожаатлар сони 45 тага, Ўнқўрғон МФЙда 28 тага, Май МФЙда 13 тага, Байтқўрғон МФЙда 1 тага камайишига эришилган бир пайтда, Янги Арғин МФЙда 62 тага, Чинобод МФЙда 56 тага, Узумзор МФЙда 52 тага, Соҳибкор МФЙда 36 тага, Шалола МФЙда 12 тага ва Ёнариқ МФЙда 5 тага кўпайган.

Бундан ташқари, такрорий мурожаатлар 1 минг 273 тани ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 328 тага кўпайган.

Мурожаатлар, уларнинг кўриб чиқирилиши, муддат бузилиши ва такрорий мурожаатларни кўпайишига йўл қўйган корхона, ташкилот ва идораларга 2023 йилнинг 12 ойи давомида жами 13 та тақдимнома, 25 та таклиф, 32 та кўрсатма ҳамда Халқ депутатлари туман Кенгашига 6 та ахборот киритилган. Кўрилган чоралар натижасида 26 нафар мансабдор шахслар огоҳлантирилган,

21 нафарига ҳайфсан жазоси берилган, 2 нафари ойлик иш ҳақидан жаримага тортилган, 8 нафари лавозимидан озод этилган ва ҳоказо.

Мурожаатларда кўрсатилган муаммолар бўйича Халқ қабулхонаси томонидан 2023 йилда 25 та маҳаллаларда ўрганишлар ўтказилган, 248 та мурожаатлар жойига чиқиб ўрганилган, 43 марта қабул қилинган қарор ижроси ўрганилган, 23 марта давлат идораларида мурожаатлар билан ишлаш ҳолати юзасидан ўрганишлар ўтказилган, 15 марта секторлар фаолияти бўйича мониторинг ўтказилган, 15 марта маҳаллалардаги тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича келиб тушаётган мурожаатларни таҳлил қилган ҳолда ўрганишлар олиб борилган.

Шунингдек, Халқ депутатлари туман Кенгашининг депутатлари билан ҳамкорликда 87 та мурожаатлар кўриб чиқилиб, 33 таси ижобий ҳал этилган, 54 тасига тушунтириш берилган. Туман аҳолисидан 37 та миннатдорчилик Хатлари йўлланган.

Ж.ХЎЖАЁРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президентининг Қибрай
туманидаги Халқ
қабулхонаси мудир

Республика ва хориж хабарлари

Сўнги йилларда, доллар курси сўмга нисбатан кескин ўсишда давом этмоқда. Йил бошида бир доллар 11,25 минг сўм бўлган бўлса, 2023 йил 31 декабрга келиб, 12,38 минг сўмни, 2024 йил 26 январга ҳолатига кўра, бу кўрсаткич 12, 412 сўмни ташкил этмоқда. Шу тариқа ўзбек валютаси 10 фоизга қадрсизланди.

МАМАРИЗО НУРМУРОДОВ: ПУЛ ҚАДРСИЗЛАНИШИ МАРКАЗИЙ БАНКНИНГ ХАТТИ-ҲАРАКАТИГА БОҒЛИҚ ЭМАС

– Бугунги кунда миллий валютаимиз қадрсизланиши 9,1 фоизни ташкил этмоқда, – деди 21 январь куни ўтказилган матбуот анжуманида Марказий банк раиси Мамаризо Нурмуродов. – Пул қадрсизланиши Марказий банкнинг хатти-ҳаракатиغا боғлиқ эмас. Курсни бозор белгилайди. Талаб ва таклиф белгилайди. Марказий банк ҳеч қачон курс прогнозини бермаган. Бизнинг иқтисодий салоҳиятимиз ошса, ташқи иқтисодий алоқалардаги ўрнимиз, мавқеимиз кўтарилиб борса, курсимизнинг қадрсизланиши шунча пастроқ бўлади. Фақат қўтилиётган қўтилмаларни, қанақа таъсирлари бўлишини айтиб ўтамиз. Ҳар йили сўмимиз қадри ўртача 1,5 баравар ўсаяпти. Бу, умумий аҳолига нисбатан олиб қарайдиган бўлсак, камдир. Бироқ маълум жиҳатдан аҳолининг ишончи ошмоқда.



Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманида яшовчи фуқаро янги сотиб олган уйдан XIX аср охири XX аср бошларига тегишли қадимий китоблар топиб олган. Мазкур қўлёзмалар Маданий мерос агентлиги ва унинг шаҳар бошқармаси масъуллари томонидан ўрганилди.

ЯНГИ СОТИБ ОЛИНГАН УЙДАН БИР АСРЛИК КИТОБЛАР ТОПИЛДИ



Агентлик матбуот хизмати хабар беришича, фуқаронинг мурожаатига асосан янги уйдан топилган тарихий китоблар устида атрофлича ўрганиш ишлари олиб борилди. Текширувлар натижасида топилган ашёлар эски ўзбек ёзувидаги қўлёзма ва тошбосма китоблар экани аниқланди. Уларнинг ичида шеърӣ тўпламлар, бадий ва илмий-оммабоп китоблар ҳам бор экани маълум бўлди.

Топилган китоблар фуқаронинг шахсий мулки эканлигини инобатга олган ҳолда агентлик ходимлари томонидан қўлёзмаларни давлатга топшириш ёки сотиб юбориши мумкинлиги тушунтирилди.

Мазкур китоблар устида батафсил ўрганиш ишлари якунига етгач қўшимча маълумотлар тақдим этилади.

Нью-Йоркдаги ҳакамлар ҳайъати НАКШнинг собиқ президенти Дональд Трамп 2019 йилда ёзувчи ва журналист Элизабет Жан Керроллга тўхмат қилгани учун 83,3 миллион доллар (65 миллион фунт стерлинг) тўлаши керак деган қарорга келди. Бу ҳақда "BBC News" хабар бермоқда.

ТРАМП ЖАН КЭРРОЛЛГА ТУХМАТ ҚИЛГАНИ УЧУН 83,3 МИЛЛИОН ДОЛЛАР ТЎЛАЙДИ

Бу жарима суммаси ичига Ж.Керроллнинг обрўсини тиклаш учун 11 миллион доллар, бошқа зарарлар учун 7,3 миллион доллар ва жазо учун 65 миллион доллар киради.

Трамп ҳукми "жодугарнинг навбатдаги ови ва бу мутлақо кулгили" деб атади.

Суд Трампни Ж.Керроллга қарши номақбул иғволарни гапиришда давом этишини тўхтатиш учун ҳам жазо чораларини қўллаши керак эди.

Хонимнинг адвокати Робби Каплан ўз баёнотида шундай деди: "Бугунги ҳукм қонун ҳаммага, ҳатто бойларга ва собиқ президентларга ҳам тенг эканлигини исботлади".

Ноябрь ойида бўлиб ўтадиган АҚШдаги президентлик сайловларида Республиканинг партиясидан номзод бўлиши мумкин бўлган Дональд Трампга 91 та айбловдан ҳозирча тўртта жиноий иши қўзғатилган.

У мамлакат тарихида жиноятда айбланган биринчи президентдир, бироқ у ўз айбини тан олмайди ва барча айбловларни рад этиб келади (ЎЗА).





Производство

УГОЛЬ ЭНЕРГИИ — ТОВАРИЩ И БРАТ

«В Узбекистане планируется нарастить добычу угля на 22 процента, с учетом потребностей населения, социальной сферы и отраслей промышленности, - такое поручение дал горнякам страны Президент Шавкат Мирзиёев. Кроме того, имеется задача обеспечить предпринимателей качественным и дешевым каолином, который используется для производства фарфора и фаянса, в бумажной промышленности, медицине и косметологии».

Акционерное общество «Узбекуголь» - крупнейшее в Узбекистане угледобывающее предприятие, ответственное за рациональное и комплексное использование добываемых полезных ископаемых, ведение горных работ, осуществление ведомственного контроля за правильностью и полнотой отработки месторождений. В свою очередь, Ангрен - важная топливно-энергетическая база страны. Характерная особенность местного угольного месторождения состоит в том, что здесь бурый уголь добывается как открытым, так и подземным способом.

В списке промышленных предприятий, непосредственно занимающихся добычей и отгрузкой угля-лигнита, несомненно, ведущее место занимает разрез «Ангренский». Спрос на твердотопливное сырье увеличился в полтора раза, и в этом году в целях увеличения мощности производства АО «Узбекуголь» планирует выйти по добыче твердого топлива на отметку в 6,5 млн. тонн. Для сравнения приведу некоторые показатели: в 2019 году было добыто 3 807,6 тыс. тонн, в 2020 - 3 869,4 тыс. тонн, в 2021 - 4 781, 2 тыс. тонн, в 2022 - 5 073,9 тыс. тонн, в 2023 - уже 5 828,9 тыс. тонн угля. Отгрузка его потребителям в истекшем году составила по факту 5 398,3 тыс. тонн, при утвержденном оперативном плане в 5 257,5 тыс. тонн.

Бурый уголь, или лигнит - горючее полезное ископаемое второй стадии углелификации, образовавшееся напрямую из торфа. На таком угле работают две региональные теплоэлектроцентрали - Ангренская и Ново-Ангренская ТЭС.

Как правило, бурый уголь залегают неглубоко, поэтому его можно добывать в карьерах открытым способом. А вообще процесс разработки бурого угольных залежей ведется в зависимости от рельефа местности и глубины залегания. Запасов ангренских углей, по подсчетам специалистов, хватит на 300 лет. Их переоценка была проведена Государственной комиссией по запасам Республики Узбекистан. Но местное угольное месторождение характеризуется сложными геологическими условиями, и добывать твердое топливо здесь нелегко: перед процессом добычи нужно снять большой объем вскрышных пород, прежде чем добраться до пласта.

Заниматься селективной выемкой угля сложно, так как он залегает в земле не в чистом виде, а перемежаясь с каолином, песчаником, известняком, галечником и другими полезными ископаемыми.

Рассматриваются планы разработки твердого топлива на перспективном участке близ поселка Нишбаш, в Кураминских горах. Разведанные запасы бурого угля здесь значительны: 156 млн. тонн, но глубина залегания тоже значительна - от 160 до 450 метров. Эти угольные запасы впоследствии могут послужить горнякам для добычи шахтным способом или производства промышленного газа посредством подземного пиролиза.

Филиал «ДУШС» - «Добыча угля шахтным способом» - второе важнейшее угледобывающее предприятие в структуре АО «Узбекуголь». Шахта № 9 (таково ее прежнее название) - единственное действующее предприятие по подземной добыче бурого угля в Ангренском регионе. Остальные шахты в Кураминских горах были закрыты как нерентабельные, и только Шахта № 9, ныне филиал «ДУШС», по-прежнему продолжает давать уголь на-гора. Старая шахта успешно пережила своих предшественниц, и горняки верят в ее производственные возможности. Еще в 2021 году группа специалистов шахты приняла участие в разработке проекта по восстановлению и дальнейшему пуску в эксплуатацию добычного участка № 6, производственная деятельность которого была приостановлена более десятилетия назад.

Участок перспективный, потому как в его недрах сокрыты настоящее сокровище - более 50 тыс. тонн угля! В настоящее время подошли к своему завершению работы по монтажу секций подземного ленточного конвейера. На участке еще немало дел, связанных с проходкой и расчисткой внутришахтных коммуникаций.

Надеемся, что в 2024 году добычной участок № 6, после долгого периода простоя, выдаст первую партию «черного золота». Добываемый на шахте уголь отличного качества, это практически чистый, без минеральных примесей, лигнит. Он хорошо горит и в бытовых, и в производственных печах.

Перевозка твердого топлива - ключевая задача для транспортников АО «Узбекуголь»: автомобилистов и железнодорожников. Фундамент филиала «Автомобильно-технологический транспорт», входящего в структуру компании, составляют три автобазы. Первая и самая главная представляет собой базу «БелАЗа», здесь находится весь цвет тяжелой горной техники на колесном ходу: промышленные самосвалы-большегрузы белорусского производства. Это база самого габаритного колесного транспорта. Вдали, на уступах разреза, его представители кажутся до смешного маленькими, но стоит подойти поближе и почувствовать масштаб личности этих карьерных гигантов, как вся иллюзия испаряется в одночасье.

Парк автобазы № 1 пополнили новейшие самосвалы «КАМАТЦУ» японского производства, грузоподъемностью 90 тонн, в количестве 10 единиц, ожидается поступление еще 22 единиц, всего же в течение года в распоряжение горняков поступят 44 карьерных автосамосвала. Первая десятка этих машин уже прошла капитальную сборку, и испытания их рабочих ка-

честв уже не за горами. По словам специалистов филиала и оказывающих им помощь представителей поставщиков, на сборку каждой «умной» единицы «КАМАТЦУ» уходит 5-7 дней. На предприятии самосвалы прибывают по железной дороге в разобранном виде, после чего их подвергают монтажу: занимаются сваркой кузовов, установкой узлов, двигателей, рулевой, колесной и прочих систем. А «умной» такую машину назвали неспроста: функциональные особенности, в первую очередь, система управления, коробка передач и т. д. в ней отлажены иначе. В связи с этим преподаватели и мастера Учебного центра АО «Узбекуголь» в срочном порядке взялись за переобучение сотни водителей, прежде работавших на самосвалах «БелАЗ».

Две другие автобазы обеспечивают предприятия угольной отрасли грузовым автомобильным транспортом меньшей грузоподъемности, тракторно-бульдозерным парком, автобусами и легковым пассажирским транспортом. Автобаза № 2 получила два новых шестикубовых автопогрузчика, ожидается поступление третьего, технический парк автобазы пополнили шесть мощных импортных бульдозеров на гусеничном ходу, три единицы дорожно-ремонтной техники - автогрейдеры и два топливозаправщика-бензовоза. Что касается автобазы № 3, которая представляет собой гараж легкового и хозяйственного транспорта, то ее коллектив также стал обладателем автомобилей-внедорожников: двух новых «камазовских» вахтовок, трех «УАЗов», и еще ожидается поступление междугороднего автобуса, рассчитанного на 45 посадочных мест. Обновление технического парка noticeably! Мы рады поступлению на предприятие новой техники, с использованием которой темпы производственной деятельности обязательно вырастут.

Покупатель нашего, ангренского, угля должен быть уверен в том, что приобретаемый им товар - заявленного качества, а поставщик обязан это качество подтвердить. В настоящее время растет спрос на низкотемпературный продукт.

Специалисты испытательной лаборатории АО «Узбекуголь» эту задачу решают своими силами: проводят отбор и дробление аналитических проб, фракционный анализ, разделяют по плотности, проверяют теплотворность, рассчитывают показатели эффективности. Задача эта - определение основных показателей качества: влажности, зольности, выхода летучих веществ, удельной теплоты сгорания, содержания серы и т.д.

Ведь любой уголь должен гореть и давать тепло, выделяя при этом как можно меньше дыма и копоти. Испытательная лаборатория АО «Узбекуголь» - своего рода уникальный в Узбекистане объект химического направления, где, кроме местных, проводились анализы твердого топлива и продуктов его переработки, поступавших с каменноугольных месторождений Шаргунь и Байсун.

Владимир КУЗНЕЦОВ,
генеральный директор
АО «Узбекуголь»

О возможности трудиться на престижной работе, да еще за рубежом, мечтают многие молодые люди. Но далеко не все могут себе это позволить. Тем не менее, выпускники Центра подготовки специалистов сферы строительства, или профшколы № 2 г. Ангрена получают возможность не только стать классными мастерами своего дела, но и быть востребованными в странах ближнего и даже дальнего зарубежья.

Образование и трудоустройство

НА РАБОТУ - ЗА РУБЕЖ

Директор центра Абдурашид Эргашев подтвердил, что в течение истекшего года из стен этого образовательного учреждения вышли выпускники, которые в настоящее время успешно трудоустроены.

- Российская компания «Ренессанс», генеральным директором которой является Алишер Усманов, открыла несколько филиалов у себя, на родине, а также в Узбекистане и Турции, - рассказывает он. - Квалифицированные мастера различных специализаций весьма востребованы на промышленных предприятиях этих стран. А всего стран мира, которым нужны наши специалисты, - 86! В Бекабаде строится новый металлургический завод, и уже более тридцати выпускников нашего центра заключили трудовые договоры с его администрацией о праве работать на предприятии.

Как сложился для нас прошедший 2023 год? Скажу одно: успешно! В течение года в центре были открыты группы по специальностям «машинист трактора», «водитель автотранспортных средств категорий А, В, С, Д». Группа машинистов автокранов и водителей самосвалов, окончивших обучение в центре, уже получила лицензии. Устройство и функции всех агрегатов и узлов транспортных средств, соблюдение Правил дорожного движения и многое другое входило в обязательную программу обучения. Заключен договор с Саудовской Аравией, так как этому государству тоже требуются представители рабочих профессий из Узбекистана. В марте-месяце планируем открыть языковой центр, благодаря которому учащиеся получат возможность изучать арабский язык, свободно говорить на нем и впоследствии быть задействованными не только на производстве, но и в гостиничном, ресторанном и туристическом секторах, работать гидами, сопровождать паломников в хаджи и т.д. На наш запрос из Министерства высшего образования Республики Узбекистан в центр пришлют наставников.

Германско-швейцарская компания «GLOBOGATE» также дала запрос о специалистах, свободно владеющих немецким языком. Двое выпускников, успешно сдавшие экзамены и пожелавшие работать в сфере медицины, получили сертификаты и уехали в Германию. Пять человек сейчас работают сварщиками в филиале «SA GESTR» эстонской компании «SAEM ENERGMONTAJ».

ТВОРЧЕСКИЙ ВЕЧЕР ПОЭТЕССЫ

В ИБЦ средней школы № 21 г. Ангрена состоялся творческий вечер поэтессы Аллы Поповой (Арсеньевой). Автор встречалась с девятиклассниками, мероприятие подготовила и провела преподаватель школы Юлия Арышева.

Алла Евгеньевна общалась с детьми легко и непринужденно, говорила о самых сокровенных и необходимых для человека вещах: о любви и родстве душ, о семье, о сохранении в душе чистоты. Поделилась с присутствующими историей своего творческого пути. Прочла свои любимые стихотворения из сборника «Природы я частица», рассказала о своей жизненной позиции, о том, как «случаются стихи».

Ребята смогли вывести Аллу Евгеньевну на искренний разговор о самом личном и дорогом. Гостья поделилась формулой счастья и успеха. Творческая встреча с поэтессой никого не оставила равнодушной, принесла много положительных эмоций. В заключение встречи учащиеся поблагодарили Аллу Евгеньевну за стихи, за душевное тепло. Авторские книги с личным автографом были ее даром школьному книжному фонду ИБЦ.

Ольга ФЕДОСЕЕВА,
специалист ИБЦ
средней школы № 21 г. Ангрена

Полосу подготовила Диана АНДРЕЕВА

9 февраль – улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий таваллуд топган кун



АБАДИЙ БАРҲАЁТ СИЙМО, БУЮК МУТАФАККИР

Президентимиз Ш.Мирзиёев ташаббуси билан Ўзбекистонда Алишер Навоий халқаро жамғармасининг тузилганлиги ҳамда "Илҳом" жамғармасининг иш бошлаганлиги маънавиятимиз ривожига бўлган ғамхўрликнинг яна бир ёрқин намунасидир.

Мамлакат тараққиёти учун тарихий қадриятларнинг улкан аҳамияти Президентимиз томонидан Республика маънавият ва маърифат кенгаши йиғилишида алоҳида таъкидланди ва янги вазифалар белгиланди. Бу борада буюк сиймолар ва мутафаккирларнинг ҳаёт йўли ва ижоди бекиёс манба бўлиб хизмат қилади.

Улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий 1441 йилнинг 9 февра-лида Темурийлар салтанатининг бош шаҳарларидан бири – Ҳиротда туғилган. Отаси Гиёсиддин Муҳаммад замонаси-нинг илғор ва донишманд кишилари-дан бўлиб, Темурийлар хонадонига яқин шахслардан эди. Навоий ҳам мактаб дўсти Султон Ҳусайн Бойқаро Мирзо са-ройида 1472-1489 йиллари олий ижроия мансабларида ишлайди.

Ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол қатнашиш билан бирга, ўзбек тили ва адабиётини, ўзбек маданиятини ривожланишининг янги босқичига олиб чиқди. Амир Темур салтанати тўфайли иқтисод, сиёсат, маънавиятда эришилган улкан ютуқларини ўз асарлари билан мустаҳкамлади. Даҳо инсон умри давомида 30 дан орტიқ асарлар ёзган. Бу асарлар, айниқса, беш дostonдан иборат “Ҳамса” асари жаҳон адабиётининг энг мукамал, тенги йўқ асарлари сирасига киради.

Навоий даври тарихини мукамал ўрганган ва шу асосда “Навоий” романини ёзган Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек ўзининг “Буюк гуманист” (1968 йил) мақоласида шундай сатрларни битган: “... қийинчиликлар ва қувғинлардан қўрқмай, фан ва маданият тараққиёти учун курашиб, жаҳолат ва ўзбошимчиликни, зулм ва ҳуқуқсизликни

фoш этган виждонли ҳақиқий кишилар қаторида буюк мутафаккир, улуғ шоир, чин инсон Алишер Навоий сиймоси тоғдаги пурвиқор чўққидек ажралиб туради. Ақлий теранлиги ва қомусий билими билан Алишер Навоий ҳатто Уйғониш даври титан (буюк)лари орасида ҳам алоҳида ўрин тутати.”

Алишер Навоий асарларида умуминсоний туйғулар, орзу-истаклар, тинчлик, дўстлик, қардошлиқ, ўзаро ҳурмат улуғланади, миллати, ирқи, динидан қатъий назар, барча инсонлар ҳудо назарида тенг эканлиги қадимги ёдгорликлар, ривоятлар, халқ оғзаки ижоди, ёзма тарихий манбалар, муқаддас китоблар, айниқса, “Қуръон” ва ҳадислар мисолида талқин этилган, инсоний фазилиларнинг қадри ҳамма вақт юксак бўлиши ўқитрилган.

Ҳаё ва одоб, кўнгил хотиржамлиги, ота-она, устозларга ҳурмат инсоннинг зеб-зийнати эканлиги қайд этилади:

*Бўлмас адабсиз кишилар аржуманд.
Паст этар ул хайлни чархи баланд.*

Алишер Навоийнинг барча асарларида инсоний фазилатлар улуғланади, тўғрилиқ, ростлик, ғайрат, шижоат, мардлик каби хислатлар туфайли инсон комиллик босқичларидан ўтиб, ўз умри-ни безайди.

Захириддин Муҳаммад Бобур “Бобурнома” асарида: “Алишербек назири йўқ киши эди. Туркий тил билан то шеър айтибдурлар, ҳеч ким онча кўп ва ҳўб айтган эмас” деб, Навоий ижодиға юксак баҳо беради. Бу улўғ инсон фазилатлари, хайрли ишлари ҳақида Абдураҳмон Жомий, Восифий, Давлатшоҳ Самарқандий, Мирхонд ва Хондамир каби алломалар маҳсус китоблар ёзганлар. Хондамир “Мақоримул-ахлоқ” (“Яхши ҳўлқлар”) асарида “олий мартабали, ҳидоят насабли, покиза табиатли, соф ниятли, салтанат суянчиғи, мамлакат устун, ҳоққоний давлатининг ёрдамчиси, султон ҳазратларининг яқини”, – деб буюк бобомизнинг жамиятдағи ўрни ва мавқеини кўрсатиб ўтади.

Тарихчи Хондамирнинг ёзишича, Навоий “мансабдорлик йилларида фақир ва дарвешларнинг фаровонлиги, ғариб ва мусофирларнинг фароғати учун Хуросон атрофларида кўп миқдорда хонақоҳ, раб-
от, ховуз ва ҳаммомлар қурган”.

Алишер Навоий нафакат ўз замонида, балки кейинги даврларда юксак эътирофга сазовор бўлган. XVII француз шарқшуноси Сильвестр де-Саси шундай деб ёзган эди: – “Навоий давлат арбоби ва Шарқ адабиёти тарихида фахрий ўринда туришга лойиқ машҳур шоирдир”. Таникли олим В.М. Жирмунский “Алишер Навоийнинг азамат сиймоси жаҳон

адабиётдан ажралиб қолган эмас”, – деб кўрсатса, академик Н.И.Конрад эса шундай дейди: “Бизга шундай шоирни армуғон қилган ўзбек халқига катта раҳмат айтайлик. Уни фақат ўрганмасдан, тадқиқ этмасдан, ўқиб ҳам юрайлик, Уни фақат ўқимасдан, унинг устида ўйлаб ҳам кўрайлик”.

Академик Е.Э.Бертельснинг бу борада шундай фикрларни билдирганлиги барчамизга муҳим масъулият юклайди: “Навоий ижодиёти музей экспонати, тарих парчаси эмас, у барҳаёт ва бундай кейин ҳам яшайди. Шунинг учун ҳам ўзининг буюк фарзандининг муқаддас хотирасини ҳурмат қилиш, унинг ижодини ҳормай-толмай ўрганиш ўзбек халқининг виждоний ишидир”.

Дўстлик, қардошлик соф инсоний
туйғуларнинг оташин куйчиси Ғафур
Ғулом фахр билан шундай мисраларда ўз
ғурурини ифодалаган эди:

Бирор шоҳ байтингни ёддош тутмаган
Каттадир, кичикдир бизда киши йўқ.
Олтин балдоқдаги нифрит кўз каби,
Асаринг биз учун бўлди қорачиқ.

Дарахшон юлдузлар сари ўқирган,
Бўйнида занжиру қалби озод шер,
Инсоний муҳаббат, меҳр-ла вафо,
Эрку бахт тимсоли улўф Алишер.

Алишер Навоий ҳозирги даврда ҳам чин дўстлик, қардошлиқ, инсоний муҳаббат, меҳру вафо, эрку бахт тимсоли бўлиб, асарларидаги улуғвор ғоя ва интилишлар эзгулик ва яратувчилик ишларида хизмат қилмоқда.

Турсунали МИРЗАҚУЛОВ,
*филология фанлари доктори,
Ипак йўли инновациялар
университети профессори*

Спектакль ● ● ● ● ● ● ● ● ● ●

**УСМОНЛАР
ЎЛМАЙДИ, УЛАР
БАРҲАЁТ!**

**“Олмалик КМК” АЖ
рахбарияти ташаббуси билан
“Металлург” маданият саройида
Ўзбекистон халқ шоири
Муҳаммад Юсуфнинг “Қора
қуёш” номи асари асосида
саҳналаштирилган спектакль
намойиши бўлиб ўтди.**

Шу кун ишчи-ходимлар, комбинат ва шахримиз ёшлари, талабалар билан тўлди.

Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти ижодкорлари томонидан тарихнинг аччиқ ҳақиқатлари, миллатпарвар зиёлиларимиз, буюкларимизнинг аянчли қисмати, даҳшатли қатағон йиллари зўр маҳорат билан гавдалантирилган спектаклни кўзда ёш билан томоша қилдик, ҳамма-ҳамма таъсирланди. Бугунги ёруғ ва тинч кунларимиз учун шўқ қилдик. Қурбон бўлганлар, қурбон берганлар олдида, болам деб бўзлаган оналар, отам қани деб излаган болалар, жигарининг йўлига кўз тиккан опа-син-



гиллар, ёрининг қайтишига умид қилиб, дунёдан ўтган бева бувижонга айланганлар олдида ўзимизни қарздор ҳис қилдик.

Сахнадаги ўқ овозидан залдаги болалар йиғлашди.

Ҳаётдаги ўқ овозидан ҳалок бўлаётган болалар кўз ўнгимга келди.

Етти ёшли фарзандим Сибирда азоб тортаётган Усмон Носир, кўлёмаси оловга қўйилганда фарёди оламни тутган Қодирийни кўриб кўзда ёш билан улар ҳозир ҳам қийналяптими, ростдан ўлиб қолдимми, деб сўради.

Улар ўлмайди, улар барҳаёт дедим...
Тарих унутилмайди. Тарих – улуг сабоқ! Тарихдан сабоқ олинг, энди ҳеч қачон ўзимизни, ўз тараққиётимизни, ўз ўлимизни, ўз ғуруримизни ҳеч қачон бой бермаймиз!

Камола УМАРАЛИЕВА,
Олмалик шахри

Адабий гүрүнг

УСТОЗ ШОИР БАРОТ ИСРОИЛ БИЛАН УЧРАШУВ

**Оҳангарон шаҳридаги “Нуронийлар маскани”да
машҳур шоиримиз, устоз Барот Исроил билан учрашув
ташkil этилди.**

Тадбирга таклиф қилинганимдан хурсанд бўлиб, Оҳангаронга анча барвақт бордим. Шоир билан адабий гурунг бошланди.

Отахону онахонларнинг адабиётга, шеърятга ва айниқса водиймиздан чиққан ижодкорларга ҳурмати, ихлоси баландлиги-ю баҳру байт айтишига қойил қолдим, илҳомландим. Нуронийларимизнинг шижоатини, самимийлигини, улардаги ўзаро меҳроқбатиани кўриб, кўнглимда нафис илиқлик уйғонди.

Яхши киши нафаси, кўнгил-

ларни шод этади, деганлари шу бўлса керак. Устоз Барот Исроилнинг даврадаги иштироки, ўқиган шеърлари йиғилганларнинг барчасини адабиётга, шеъриятга ошно этиб, уларга маънавий озиқа улашти.

Қизиқарли маърузалари билан иштирок этган устоз шoirимизга, шундай чиройли тадбирни ташкил этган Шавкат акaмизга минг раҳмaт, умрлари узoқ бўлсин!

**ЛУҚМОН МУСУЛМОН,
Олмалиқ шаҳри**





Ёш ижодкорлар нашримиз ҳақида

“УЛУҒ ЙЎЛ” БИРОР КУН ҲАМ ЁДИМДАН ЧИҚМАЙДИ

Ғаҳи соғин не бўлди зорларни,
Унутмагил бурунги ёрларни.

Заҳриддин Муҳаммад Бобур

Суратда Устозим Неъмат Душаев бошчилигидаги “Улуғ йўл” газетасининг шонли таркиби. Баъзиларимиз собиқ мақомида бўлсак ҳам қалбан газета биланмиз.

Умримнинг роппа-роса уч йили шу даргоҳда ўтди. Ўн саккиз ёшли, маълумотсиз, тажрибасиз, қўлидан фақат ёзиш келадиган йигитчани бир оғиз илтимосига йўқ демай ишга олган Устозимнинг бағрикенглигига доим қойил қолганман.

20 ёшга кириб-кирмай муҳаррир қилиб кўтаргани-ку ўша пайтда муҳокамаларга сабаб бўлганди.

Муҳими эса бу таҳририят менга матбуот тажрибахонаси бўлган. Неъмат ака эркин ижод қилишимга, ўз ғояларимни газетага татбиқ қилишга имкон яратган.

“Улуғ йўл” газетаси шарофати билан

жуда кўп жойларга кириш имкони бўлган. Айниқса, кўмир кони билан танишиш мақсадида 200 метр ер остига тушганим ҳеч қачон ёдимдан чиқмаса керак.

Баъзилар тилингиз бир қарич, ҳатто, унча-мунча муҳаррир олдида ҳам тикка гапириб юбораверасиз дейди. Ҳа, менга тепадан келиб, такаббурлик билан гапирган одамни қабул қилолмайман. Албатта, жавоб қайтараман.

Мана, “Ёшлар кундалиги”да иш бошлаганимга бир ярим йил бўляпти. Лекин бирор кун ҳам “Улуғ йўл” ёдимдан чиқмади.

Отабек БАКИРОВ,

“Ёшлар кундалиги”

медиа лойиҳаси мухбири

Суратда (чапдан): Икромали Холматов,

Малика Норбоева, Неъмат Душаев, Барчиной

Абдуваҳобова, Ниғора

Шоғайзиева, Отабек Бакиров (17.12.23)

Маънавий-маърифий тадбир

Биринчи Президентимиз хотираси ёд этилди

Ангрен шаҳридаги 5-умумтаълим мактабида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Абдуганиевич Каримов таваллудининг 86 йиллиги муносабати билан “Сиз доимо ёдимиздасиз” мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.



Тадбирни мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Н.Исроилова кириш сўзи билан очиб берди. Ота-оналар

иштирокидаги маънавий-маърифий кечада ўқувчилар томонидан Биринчи Президентимиз хотирасига бағишланган шеърлар ифодали ўқилиб, куй

ва кўшиқ ҳамда рақслар ижро этилди.

Н.БАЙМЕНОВА,

Ангрен шаҳар

5-умумтаълим мактаби.

Билиб қўйган яхши

Ер участкасини сотиб олиш билан боғлиқ харажатлари кимларга қоплаб берилади?

■ Ногиронлиги бўлган шахснинг ва таркибида ногиронлиги бўлган шахс бор оиланинг электрон онлайн-аукцион орқали ер участкасини сотиб олиш билан боғлиқ харажатлари қоплаб берилиши белгиланган (<https://lex.uz/docs/6413473>).

■ Бунда ер участкасини аукцион орқали сотиб олиш харажатларидан келиб чиққан ҳолда, оила таркибида ногиронлиги бўлган шахслар сонидан қатъи назар, БХМнинг 100 бараваригача (34 млн сўмгача) миқдорда бир марталик тўлов ажратилади (<https://t.me/huquqiyaxborot/15305>).

Ўлкашунослик

ОҲАНГАРОН ВОДИЙСИ ЖОЙ НОМЛАРИ

(Давоми. Бошланиши 2023 йил сонларида)

ЖИБЛОНСОЙ Оҳангарон дарёсига ўнг томондан қуйилувчи irmoқлардан бири. У Чотқол тизмасининг денгиз сатҳидан 3216 метр баландликдаги булоқларидан бошланади. Ж. этагида Жиблон қишлоғи жойлашган.

ЖИГАРИСТОН - Ангрен шаҳрининг жанубий-шарқий қисмида, Оҳангарон дарёсининг чап соҳилида жойлашган кўрғон. Форсча “дигар” - бошқа, бўлак, алоҳида + “истон” - жой, макон қўшма сўзининг қурама шевасида бузилган шакли. Бу аҳоли манзили кўмир кони ишга туширилмаган, дарё тўсилиб, Турк сув омбори қурилмаган пайтларда кўкламги сув тошқинлари тўфайли Боқсуқ, Грум, Облиқ ва бошқа маданий марказлар ва бозорлардан ўзилиб қолгани учун шундай номни олган. Археологлар В.А.Цой ва С.А.Ашировларнинг “Ғарбий Тянь-Шань: муқаддас жойларга саёҳат” номли йўл кўрсаткич-маълумотномасида бу жой ҳақида шундай ёзилган: “Жигаристонсойнинг куйи оқимидаги каолин тупроғининг очиқ қонидан эрамиздан аввалги биринчи асрда фойдаланилганлиги тўғрисида маълумот бор. XIX асрга қадар самарқандлик ва қашқадарёлик кулоллар модага айланган “чинни” (“хитойи”) деган идишларни тайёрлаш учун Жигаристон гилбўтасини сотиб олганлар”.

ЖИЙДАЛИСОЙ Қурама тизмасининг шимолий қисмидан бошланувчи Кандирсойга чап тарафдан бирлашувчи ўн биринчи irmoқ.

Жилонди Қурама тизмасининг ўрта қисмидаги Кандир доғидан бошланиб, Кандирсойга оқиб тушадиган кичик сой. Асрлар давомида уни ёқалаб Тошкент ва Қўқонга қатновчи йўловчи ва карвонлар ўтган. Бу энг яқин доғон йўли мустақиллик йилларида хавфсизлик юзасидан беркитиб қўйилган. У маъмурий жиҳатдан “Сусам” ҚФЙ ҳудудида жойлашган. Номланишига доир аниқ маълумот йўқ. “Илонли” сўзининг шевадаги бузилган шакли бўлса керак. Чунки таниқли тилшунос ва этнограф Х.Дониёровнинг “Ўзбек халқининг шажара ва шевалари” тадқиқотида (Т., “Фан”, 1968) илонли 92 бовли ўзбек уруғлари сафида кўрсатилган (76-б.).

ЖОМБУЛОҚ Оҳангарон туман “Увак” ҚФЙ ҳудудида, Янги Ангрен ИЭСи ва Ақчасойнинг шарқий, “Тошкент-Ангрен” электрлаштирилган темирўлининг шимолий чеккасида жойлашган тарихий булоқ. Жом шаклидаги ховуз тубидан қайнаб чиқади. Маҳаллий қарияларнинг ривоят қилишларича, қадим замонларда шу булоқ суви ер ости сопол қувурлари воситасида 3 км. жанубдаги (“Тошкент-Андижон” автотрассасининг ўнг ва Қайирма каналининг чап чеккасидаги) Ялпоқтепа археологик манзилига (у пайтларда бошқа ном билан аталган шаҳар-кўрғон бўлган) яширин сув йўли ўтказилган экан. Душманлар бу шаҳарни 15 кун қамал қилишиб, эгаллай олмадилар. Улар ичкаридаги аҳоли сувсиз қандай яшаётганига ҳайрон бўлишибди. Бир куни лашкарбоши Ж.да сув ичаётиб, эътибор берса, ховуздан биронта ариқча чиқмаган, аммо сув қаергадир тортилиб кетаётган экан. Ниҳоят, Ялпоқтепага сув узатаётган яширин сопол қувур оғзини топиб, маҳкам бекитишибди. Шун-

да шаҳар аҳли сувсизликдан учинчи кун таслим бўлган экан.

ЖУВОЗХОНА Шовоссойнинг ўнг соҳилида жойлашган қадимий кичик аҳоли манзили. XX асрнинг 40 йилларига қадар бу ерда Чотқол тизмасининг жанубий адирликларидаги кўнғай майдонларга экилган зигир, масхат ва бошқа дуккакли ўсимликлар донидан ёғ олинадиган жувозхона мавжуд бўлган.

ИККИТЕРАКСОЙ Қурама тизмасининг шимолий-ғарбий томонидан Оҳангарон дарёсига оқиб тушувчи Нишбошсойнинг Лояксой номли irmoғига Бедренгетсойга қўшилиб ўнг томондан бирлашадиган. У денгиз сатҳидан 1720 метр баландликдаги булоқлардан бошланади.

ИККИТОЛ Ангрен шаҳрининг ғарбий чеккасидаги (ҳозирги Соғлом маҳалласининг эски номи) аҳоли манзилларидан бири. Бу ерда шаҳарнинг 27-умумий ўрта таълим мактаби жойлашган. 2015 йилги маълумотга кўра аҳоли сони 640 нафар.

“ИЛОҚ” сўзининг маъноси ҳақида таниқли топонимшунос С.Қораев шундай ёзган: “Оҳангарон водийси қадимдан Илоқ ёки Айлоқ деб атаб келинган. Араб ёзувида бу хил сўзлар бир хил ёзилаверади. Биз буни Айлоқ деб ўқидик. Айлоқ сўзи яйлоқ, яъни “ёзги яйлов” демакдир” (Қораев, 1991, 6.53). Шунга ўхшаш фикрни М.Е.Массон ҳам билдирган: “Остатками города Илак именуют пожилые курамынцы и обширные развалины у кишлака “Сарзаялак” (“Джайлау-нинг баши”) (Массон, 1953, с.37). В.В.Бартольд XII асрда форс тилида ёзилган муаллифи номаълум кўлёмзадан шундай маълумотни келтиради: Туркийларнинг бобо аждоди Туркнинг Тўтэл, Чигил, Барсхон ва Илоқ деган тўртта ўғли бўлган. Чигил ва Барсхон ўғуллари Иссиқкўлнинг жанубий-шарқий ҳудудларига, Илоқнинг авлодлари эса ҳозирги Оҳангарон водийсига келиб ўрнашади (Бартольд, т.1,1963,с.432). “Илоқ” атамасининг генезиси масаласида, бизнингча, С.Қораев эмас, В.В.Бартольд ҳақ. Умуман олганда, И. эрамизнинг 970-1050 йилларида мавжуд бўлган кичик давлатнинг номини англатади. Сомонийларнинг йирик ер эгаларига эркинлик бериши, жорий этилган икто усулининг аграр уклад тарзини кескин ўзгартириши ялпи иқтисодий даромадни кўпайтириш билан бирга ички феодал бошбошдоқликини ҳам келтириб чиқарди. Оқибатда чекка ҳудудлардаги йирик деҳқонлар Бухорога бўйсунмай, мамлакат миқёсидаги сиёсий анархияни бошлаб бердилар. Бу даврда Илоқ ҳудуди қорахонийлар давлатининг энг чекка қисмига айланади. Сиёсий бошқарувнинг сустилигидан фойдаланган Илоқ феодаллари икки-уч йилдан сўнг бу территорияни мустақил давлат деб эълон қилдилар. Шу тариқа 998 ёки 999 йилдан Тўнкетда зарб қилинган қумуш тангаларга Илоқ давлатининг асосчиси Шайх Жалилхон ал-Илоқий номи битилган.

ИЛҒОР (Серго) Оҳангарон дарёсининг чап соҳилида жойлашган Оҳангарон туманидаги “Сусам” ҚФЙга қарашли аҳоли манзили. Бу ерда мазкур тумanning 27-ўрта умумий таълим мактаби ва ҚВП мавжуд.

Исомиддин ЁРМАТОВ
(Давоми кейинги сонда)

**Вақт борида шоҳ асарларни ўқиб қолинг, акс ҳолда,
бунга улгурмайсиз! (Торо).**

- 6 ёшда: "Отам ҳамма нарсани билади".
- 10 ёшда: "Отам кўп нарсани билади".
- 15 да: "Мен отам каби биламан".
- 20 ёшда: "Отамнинг билими озлиги аниқ.
- 30 да: "Отамнинг фикрини сўрасам зарар" қилмас".
- 40 ёшда: "Ота бир нарсани билмас гапирмайди".
- 50 ёшда: "Отам ҳамма нарсани билади".
- 60 ёшда: "Оҳ отам ҳозир тирик бўлса эди, у билан ҳамма нарсани маслаҳатлашган бўлардим..."

Дунёдаги ҳар бир мамлакат, ўзининг аҳолиси ва унинг яшаш ҳолати бўйича ишончли маълумотга эга бўлиш мақсадида маълум бир белгиланган даврларда аҳолисини рўйхатга олиб боради. Кўпчилик мамлакатларда бундай тадбир ҳар беш ёки ўн йилда амалга оширилади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан аҳоли ва уй-жой фондини рўйхатга олиш бўйича ҳар ўн йилликда раунд эълон қилинади ва унда аъзо мамлакатларга ўз ҳудудларида камида бир марта аҳолини рўйхатга олиш тадбирини ўтказиш тавсия этилади. Хусусан, 2015 йил 10 июнь санасида қабул қилинган резолюциясида аъзо давлатларга аҳоли ва уй-жой фондини рўйхатга олиш тадбирини 2015-2024 йиллар оралиғида камида бир марта ўтказиш тавсияси берилган.

Муҳим умумдавлат тадбири

АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШНИ ЎТКАЗИШ КЕРАК(МИ?)

Бугунги кунга келиб, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатларининг аксариятида аҳолини рўйхатга олиш тадбири ўтказилди, фақат Украина, Молдова ва Ўзбекистон Республикаларида ҳали бу тадбир ўтказилмади.

Аҳоли ва уй-жой фондини рўйхатга олиш 2020 йил раунди доирасида МДҲ мамлакатлари ҳудудидаги жами аҳолининг 74 фоизи рўйхатга олинган бўлса, 16 фоизи Интернет тармоғи орқали ўзлари рўйхатдан ўтган ҳамда қолган 10 фоиз аҳолининг маълумотлари турли маъмурий манбалардан олинган.

Беларус Республикасида жами рўйхатга олинган шахсларнинг 76 фоизи рўйхатга олиш ходимлари томонидан планшет қурилмалари ёрдамида сўров ўтказиш усулида рўйхатга олинган ва аҳолининг 22 фоизи Интернет тармоғи орқали рўйхатдан ўтган. Қолган 2 фоиз аҳоли рўйхатга олишда иштирок этишдан бош тортган, улар тўғрисидаги маълумотлар маъмурий манбалардан олинган.

Россия Федерациясида аҳолини рўйхатга олиш электрон шаклда ўтказилган. Аҳолининг 18 фоизи Интернет тармоғи орқали рўйхатдан ўтган бўлса, қолган қисми рўйхатга олувчи ходимлар томонидан аҳоли ўртасида сўров ўтказиш орқали планшет қурилмалари ёрдамида маҳаллий дастурчилар томонидан ишлаб чиқилган дастур асосида рўйхатга олинган. Қозоғистон Республикасида аҳолини рўйхатга олиш рақамли шаклда амалга оширилган бўлиб, респондентларнинг 40 фоизи саволномаларни Интернет тармоғи орқали мустақил равишда тўлдиришган, 60 фоизи эса планшет қурилмалари ёрдамида сўров ўтказиш усули орқали рўйхатга олинган.

Хитой Халқ Республикасининг еттинчи миллий аҳолини рўйхатга олиш тадбири 2020 йил 1 ноябрдан 10 декабргача ташкил этилган. Ушбу тадбир 7 миллионга яқин рўйхатга олувчи ходимлар жалб қилинган. Натижаларга кўра, Хитой аҳолиси 2020 йил 1 ноябрь ҳолатига кўра 1 миллиард 411,7 миллион кишини ташкил этган. Бу 2010 йилга нисбатан 5,4 фоизга ошганлигини кўрсатади. Эраклар сони 723,3 миллион киши (жами аҳолининг 51,2 фоизи), аёллар сони эса 688,4 миллион кишини (48,8 фоиз) ташкил этган. Америка Қўшма Штатларида



2020 йилда ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш АҚШ ҳудудида ўтказилган йигирма тўртинчи аҳолини рўйхатга олиш тадбири бўлиб, бу аввалги аҳолини рўйхатга олиш жараёнларида бўлгани каби, қоғоз шаклидаги саволномалар орқали сўров ўтказишдан ташқари, онлайн ёки телефон орқали ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш тадбири бўлган. Рўйхатга олиш натижаларига кўра, АҚШ аҳолиси 331,4 миллион кишини ташкил этиб, 2010 йилга нисбатан 7,4 фоизга ўсган.

Таъкидлаш керакки, аҳолини рўйхатга олиш мамлакат аҳолисининг аниқ сонини, аҳоли таркиби ва унинг яшаш шароитлари ҳақидаги маълумотларни билиш имконини беради. Асосийси, бу натижаларни турли хил умумлашган, шахсизланган жадвалларда акс эттириш мумкин ва улардан бутун мамлакат, балки аҳолининг турли тоифалари ва ҳудудлари бўйича ҳам таҳлил қилишда фойдаланиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 20 декабрь куни Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида мамлакатимиз аҳолиси 36 миллиондан ошиб, ҳар йили 900 минг янги авлод кириб келаётгани таъкидланган эди.

Мустақил Ўзбекистон ҳудудида аҳолини рўйхатга олиш тадбири ҳали бирор марта ўтказилмаган бўлиб, мамлакат ҳудудида сўнгги аҳолини рўйхатга олиш тадбири 1989 йилда ўтказилган. Шунинг учун ҳам Президентимизнинг тегишли Фармонлари ва Ҳукумат қарорларига мувофиқ республикамизда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ишлари тизимли равишда давом этмокда.

Жумладан, республикамизда аҳолини рўйхатга олишнинг тартибга солувчи барча

норматив-ҳуқуқий ва услубий ҳужжатлар ҳамда рўйхатга олиш саволномалари шакллари ишлаб чиқилди, аҳолини рўйхатга олишнинг махсус веб-сайти (aholi.stat.uz) жорий қилинди, тадбирнинг логотиби ва шиори ("Янги Ўзбекистоннинг бир қисми бўл!") тайёрланди, аҳолини рўйхатга олишнинг бирламчи маълумотларини йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва натижаларини шакллантириш имконини берувчи "Аҳолини рўйхатга олиш" ахборот тизими ишлаб чиқилди.

2021 йилда Андижон вилоятининг Хўжаобод тумани, Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ тумани, Хоразм вилоятининг Хива шаҳри ҳамда Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманида синов тариқасида аҳолини рўйхатга олиш тадбири ўтказилди. Синов жараёнларида планшет усулида аҳолини рўйхатга олиш қоғоз усулига нисбатан қулайлиги, тезкорлиги ва иқтисодий жиҳатдан самаралироқ эканлигини кўрсатди. Шундан келиб чиқиб, мамлакатимизда ўтказиладиган аҳолини рўйхатга олиш жараёнларини Интернет тармоғи орқали ва планшет қурилмаларидан кенг фойдаланган ҳолда ўтказиш режалаштирилмокда.

Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва унинг фаровонлиги тўғрисидаги ишончли маълумот узок муддатли прогнозлар ва давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш мақсадли дастурларини, янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурларини ишлаб чиқиш, барқарор ривожланиш Миллий мақсадлари индикаторларини шакллантириш, меҳнат ресурслари жойлашуви ва улардан фойдаланиш жараёнларини ўрганиш, илмий тадқиқотлар олиб бориш учун муҳим пойдевор ҳисобланади.

Қобил БЕРДИҚУЛОВ,
Статистика агентлигининг
Рўйхатга олиш жараёнларини
ташкил этиш ва ўтказиш
бошқармаси бошлиғи

Жамшид ЕШНИЯЗОВ,
Рўйхатга олиш методологияси ва
картография
ҳужжатлар билан ишлаш
бўлими бошлиғи ўринбосари



Ғамхўрлик

ОЛМАЛИҚДА "НУРОНИЙЛАР МАСКАНИ" ОЧИЛДИ

Олмалиқ шаҳрида очилган янги "Нуронийлар маскани" барча кекса отахону онахонларнинг қалбларини шодликка тўлдирди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тантанали маросимни вилоят "Нуроний" жамғармаси раиси Абдусамад Носиров табрик сўзи билан очиб, барчага самимий тилакларини билдирди.

Нуронийлар учун барча шарт-шароитлар муҳайё қилинган масканда "Бувижонлар мактаби", тиббиёт хизмат, дам олиш ва спорт хоналари ҳамда кутубхона учун ҳам алоҳида хоналар ажратилган. Миллий услубда безатилган масканда нуронийлар бир пиёла чой баҳона келгусидаги режаларни белгилаб олишди.

Ўқмон МУСУЎМОН,
Олмалиқ шаҳри

Кино олами

"РЕЖИССЁР НЕГА ҲАҚИҚАТГА ХИЁНАТ ҚИЛДИ?"

"Титаник" кемаси чўкканда биринчи класс йўловчилари ичидан тирик қолганларнинг 100 фоизи аёллар ва болалар бўлган.

Иккинчи классда кетаётган йўловчилардан соғомон қолганларнинг 80 фоизи аёллар ва болалар эди. Паст табақа – қаланგი-қасангилар кетаётган учинчи класс йўловчиларининг тирик қолганларининг эса 100 фоизини эраклар, яъни, жисмонан энг кучлилар ташкил қилган. Улар болалар ва аёлларнинг кўкрагидан итариб, қутқарув қайиқларини эгаллаб олишди. Биз эса, Камероннинг "Титаник" фильмида қандай манзаранинг гувоҳи бўламиз? Албатта, барчаси тескари кечганлигига! Кинода айнан бой-бадавлат кимсалар йиртқишларча болалар ва аёлларни нари суриб қайиқларни эгаллаб олишди.

Камерон нега ҳақиқатга хиёнат қилди? Балким у социалистдир? Асло йўқ. Камерон суратга олишда бор ҳақиқатни, ҳақиқий манзарани кўрсатганида эди, томошабин режиссёрга ишонмаган бўларди: чунки "камбағал бечора ва меҳрибонгина, бойлар эса – қутурган, йиртқишларча очкўз", деган тушунча одамларнинг қонқонига сингиб кетган. Чунончи этологлар – ҳайвонларнинг инстинктив хатти-ҳаракати бўйича мутахассислар – қайд этишдики: ҳайвонлар тўдаси ичидаги паст қатлам, яъни тубандагилар ашаддий ярамас бўлишди; тўда ёки гуруҳнинг ижтимоий жиҳатидан ёки иерархия бўйича зинапоясининг энг пастдаги ҳайвонлар нусха сифатида ўтакетган разиллар бўлишди. Мабоодо зоологлар турли усуллар қўллаб, кечаги разил тўданинг ҳукмрон ва пода бошида борувчи йўлбошчисига айланганлигини уйдасидан чиқишса – пода бошида борувчи "серка" бутун тўдани қонга ботиради.

Ҳайвонот оламида ҳам, инсонлар жамиятида ҳам – кечаги бетайин, разил мавжуддоддан кўра шафқатсиз йўлбошчини тасаввур қилиш қийин. Жамиятнинг разил кишилари ичи қоралиқ, кўра олмаслик, ношукрлик, шафқатсизлик сингари энг ёмон хусусиятларни ўзларида жамулжам қилишган бўлади.

Фарид ЗАКАРИЯ,
америкалик сийёсий таҳлилчи.

Рус тилидан Жалолддин САҒОЕВ таржимаси.

Ulug' yo'l

Ижтимоий-иқтисодий,
маънавий-маърифий газета

МУАССИС:

"Angren ziyo"
масъулияти чекланган
жамият

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Исомиддин Ёрматов, Абдурашид
Хасанов, Нурулла Остонов, Бахтиёр
Юлдашев, Беҳзод Қобулов, Холхўжа
Юнусов, Тўлқин Эшбек, Носиржон
Аминов, Қутлуғ Тешабоев, Шерзод
Тиловердиев, Ражаббой Багиров

Мухаррир:
Малика НОҒБОЕВА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

110200. Тошкент вилояти, Ангрен
шаҳри, Бунёдор кўчаси, 38.

Мурожаат учун телефон:
0(370)662-25-35, (93)919-21-84.
E-mail: angrenziyo@umail.uz

Таҳририятга келган қўлёзмалар
муаллифга қайтарилмайди ва
таҳлил этилмайди.

Газета Тошкент вилояти матбуот ва ахборот бошқармаси томонидан 2010 йил 7 декабрда 03-069 рақам билан рўйхатга олинган. Нашр кўрсаткичи - 7034. ISSN 2181-8142. Бир ойда уч марта чиқади.
① белгиси – тижорат материали

Газета "Angren ziyo" МЧЖ компьютерида терилди ва саҳифаланди.
"Niso Poligraf" МЧЖ босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили: Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, Оқ
ота ҚФЙ, Машъал қишлоғи, Марказий кўча, 1 уй.
Босишга топширилди: 30.01.2024. Қоғоз бичими А-3. Ҳажми 2
босма табоқ. Адади 850 нусха. Буюртма -